

Тегишли даражадаги хавфсизликни таъминлаган ҳолда маълумотларни узатиш хизматини  
кўрсатиш тўғрисида ON-1/35 - сонли  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

14 » 09 2022 й.

Тошкент ш.

“ONE-NET” МЧЖ (кейинги ўринларда - **Провайдер**) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директори О.М. Носиров бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда - **Абонент**) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раис ўринбосари Ф.К. Курбонов бошқа томондан, кейинги ўринларда биргаликда - **Томонлар**, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича қуйидагилар ҳақида **Абонент** шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) туздилар.

1. “ONE-NET” МЧЖ томонидан кўрсатилаётган хизмат: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2020 йилдаги ПФ-6007-сон Фармони ва ПҚ-4751-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **Абонент**нинг ахборот инфратузилмасини ҳамда унинг веб-сайтларини Интернет тармоғига оператор “ONE-NET” МЧЖнинг тармоқ хуружларидан ҳимоя қилувчи воситалари орқали улаш.

**Интернет тармоғига уланиш 1 Гбит/с тезликда амалга оширилади.**

2. **Абонент** мазкур Шартномани имзолаганидан кейин, **Провайдер** хизматни ташкиллаштириш учун техник имкониятни текширади. Техник имконият мавжуд бўлганида **Провайдер** ўз томонидан Шартномани имзолайди ва **Абонент**га идентификацион рақамни бириктиради. Идентификацион рақам бириктирилганидан кейин, **Абонент** аванс тўловини амалга ошириши мумкин. Техник имконият мавжуд бўлмаганида ҳамда **Провайдер** шартномани имзолагунга қадар, мазкур Шартнома **Абонент**нинг телекоммуникация хизматларининг тақдим қилиниши учун аризаси бўлиб ҳисобланади.

2.1. **Абонент**ни улаш шартлари ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар 1-иловада келтирилган бўлиб, улар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

1-илова - Тақдим қилинаётган хизматлар рўйхати ва тарифлар;

2-илова - Ажратилган тармоқга уланишни тестдан ўтказиш ва қабул қилиш далолатномаси;

2.2. **Абонент Провайдер** томонидан таклиф қилаётган хизматларни танлашига қўра, **Томонлар** битта Иловани имзолаши мумкин.

2.3. **Томонлар** мазкур Шартномага қўшимча келишув имзолаган ҳолда, амалда бўлган бир илованинг ўрнига бошқа иловани имзолаганида, амалдаги илова қўшимча келишув имзоланиши ўз кучини йўқотади.

3. Мазкур Шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматлар нархи иловаларда белгиланади.

3.1. Барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ҳамда мазкур Шартнома имзоланган вақтда белгиланган барча солиқ ва тўловларни ўз ичига олади.

3.2. 01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача даврда кўрсатиладиган хизматлар учун Шартнома нархи 83 680 000, 00 (саксон уч миллион олти юз саксон минг 00 тийин) (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) сўм ни ташкил қилиб, 27 860 000, 00 (йигирма йетти миллион саккиз юз олти миш минг, 00 тийин) (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) ҳар ойлик абонент тўлови ҳамда бир марталик тўлов 100 000 сўм (юз минг, 00 тийин) сўм ҳисобланади.

3.3. Ҳар ойлик абонент тўлови олдиндан 100 % тўлов асосида амалга оширилади.

3.4. Мазкур шартнома/абонент тўловининг нархи ўзгартирилганида, ўзгартирилган нарх бўйича **Томонлар** қўшимча келишув имзоланади.

3.5. **Абонент**га **Провайдер** томонидан хизматлар текин (беғараз) асосида кўрсатилади **Томонлар** шартномани имзолашда ва **Провайдер** хизматларидан фойдаланишда **Абонент** тўловларни амалга оширмайди.

**Абонент** эътирозлари асосланган ҳолда, **Провайдер** қайта ҳисоблашни кейинги ойда кўрсатилган хизматлар учун ҳисобварақда мувофиқ равишда ҳисобга олади.

3.6. Хизмат кўрсатилган давр ҳисоб-фактуралар юбориш билан якулланади, ҳисоб-фактуралар мазкур Шартномага илова қилинган ҳолда ҳар бир кўрсатилган Хизмат тури учун алоҳида тузилади. Ҳар бир ҳисобварақда мазкур Шартноманинг 2.1 пунктида кўрсатилган иловаларга мувофиқ равишда маълум Хизмат турларининг умумий ҳажмлари кўрсатилади. Ҳисобварақ **Абонент**га тақдим қилинганидан кейин 2 (икки) иш кунинда **Абонент** ўз эътирозларини ёзма равишда ёки факс орқали маълум қилмаса, ҳисобварақ қабул қилинган ва Хизмат ўрнатилган тартибда кўрсатилган бўлиб ҳисобланади.

4. Мазкур Шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ҳал қилинади.

5. Мазкур Шартнома имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга киради ва 31.12.2021 гача амалда қилади.

5.1. Мазкур Шартнома, шу жумладан, Иловалар ва Қўшимчалар (агар мавжуд бўлса), Шартнома предмети юзасидан **Провайдер** ва **Абонент** ўртасидаги тўлиқ Шартномани ташкил этади.

5.2. **Томонлар**нинг манзиллари ва банк реквизитлари, шу жумладан мулкдорнинг ўзгариши, ташкилий-ҳуқуқий шакл ва ҳоказолар ўзгарганида Шартнома ўз кучида қолади. Бунда **Томонлар** 10 (ўн) кун ичида бир-бирларини бу ҳақда огоҳлантиришлари керак.

5.4. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганида, масъул ходимлар томонидан имзоланганидан сўнг кучга киради.

5.5. **Томонлар**нинг ушбу шартномани бекор қилиш бўйича ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилмаган бўлса, Шартнома муддати кейинги йилларда ҳам амал қилади. Бунга, Томонлар розилиги билан ҳисоб-китоблар алоҳида Тўлов варақалари оралиқ амалга оширилади.

5.6. Мазкур Шартнома ўзбек тилида **Томонлар**нинг ҳар бири учун 2 нусхада тузилди.

6. **Томонлар**нинг манзил ва банк реквизитлари:

“Провайдер”

“ONE-NET”

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек  
тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй  
Тел: +99899 222 22 07  
E-mail: [info@one-net.uz](mailto:info@one-net.uz)  
P/c: 20208000105332871001  
в АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”  
МФО: 00424  
ИНН: 308 120 160  
ОКЭД: 61900

“Абонент”

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси  
O‘RMON XO‘JALIGI DAVLAT QO‘MITASI  
Манзил: Toshkent sh., Chilonzor tum., Qatorol-8/21.  
Moliya vazirligi G‘aznachiligi INN:201 122 919  
Тел: 23 402 000 300 100 001 010 MFO: 00 014  
P/c: Banki: MBVBXKKM Toshket shahri  
Sh/xv: 1000 108 602 629 476 422 011 420 02  
МФО: INN:200 934 675 OKONX:97 300  
ИНН:  
ОКЭД:

Директор



Носиров О.М.

Раис уринбосари



Курбонов Ғ.К.

Юрист	
Молня	
Бухгалтерия	

Кўрсатилаётган хизматлар  
рўйхати ва тарифлар

Ҳисоблар миллий валютада амалга оширилади

№	Хизматлар номи	Тариф (15% ҚҚСни ҳисобга олган холда)	Асос	миқдор	Нарх (15% ҚҚСни ҳисобга олган холда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Маълумотларни узатиш тармоғига кириш учун рўйхатдан ўтиш тўлови	100 000 сўм	Прейскурант	1	100 000 сўм
<b>2. Ҳар ойлик абонент тўлови</b>					
2.1	1Гбит/с тезликдаги Интернет тармоғига уланиш учун абонент тўлови	27 860 000 сўм	Прейскурант	1	27 860 000 сўм
<b>Умумий сумма (олдиндан тўлаш)</b>					<b>27 960 000, 00 сўм</b>

Умумий олдиндан тўлов суммаси 27 960 000, 00 (йигирма етти миллион тўқиз юз олти миң минг, 00 тийин) сўм.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача даврда кўрсатиладиган хизматлар учун Шартнома нархи 83 680 000, 00 (саксон уч миллион олти юз саксон миң 00 тийин) (15% ҚҚСни ҳисобга олган холда) сўм ни ташкил қилиб, 27 860 000, 00 (йигирма йетти миллион саккиз юз олти миң минг, 00 тийин) (15% ҚҚСни ҳисобга олган холда) ҳар ойлик абонент тўлови ҳамда 100 000 сўм (юз миңг, 00 тийин) сўм ҳисобланади.

«Провайдер»



“ONE-NET” МЧЖ  
Директори

Ө.М. Носиров

«Абонент»



Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

Қурбонов Ф.К.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIY TARAQQIYOT  
VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH  
VAZIRLIGI HUZURIDAGI «LOYIHALAR  
VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS  
EKSPERTIZA QILISH MARKAZI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ  
ПРЕДПРИЯТИЕ  
«ЦЕНТР КОМПЛЕКСНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ  
ПРОЕКТОВ И ИМПОРТНЫХ КОНТРАКТОВ»  
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РАЗВИТИЯ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100084, Toshkent shahri, Amir Temur shoh ko'chasi, 107-b-uy, tel: +99871-207-02-55, h/r: 2020 8000 8008 2959 7001,  
TIF Milliy banking Toshkent shahar bosh boshqarmasi filiali, Bank kodi: 00451, STIR: 305219838, IFUT: 74900,  
E-mail: info@expertcenter.uz

2021y. " 31 " mart № 14/01-5-3/2640 " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2021г.

**O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligiga**

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi "Loyihalar va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi" DUK, Sizning 2021-yil 26-martdagi KY13730867-sonli xatingizni ko'rib chiqib, ilovaga muvofiq ma'lumotlarni yubormoqda.

Ilova: 1 varaqda.

**Direktor**

**M. Allabergenov**

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allilarni qisqartirish vazirligi huzuridagi "Loyihalarni va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi" DUKning

"21" mart 2021 y. dagi

№ 14/01-5-3/2020 sonli xatiga

Ilova

Moliya vazirligining 2021-yil 26-martdagi KY13730867-sonli xatiga muvofiq  
(Tashkilot: "ONE-NET" MChJ).

T/r	Yetkazib beruvchining (ishlab chiqaruvchining) to'liq, qisqartirilgan (mavjud bo'lsa) va firma nomi, tashkiliy-huquqiy shakli	Tovar (ish, xizmat) nomi	Bajariladigan ishlar, ko'rsatiladigan xizmatlar shartlarining spetsifikatsiyasi, texnik xususiyatlari	Asos
	"ONE-NET" MChJ	Tegishli havfsizlik darajasini ta'minlagan holda ma'lumotlarni uzatish, shu jumladan internet xizmatlari Услуги передачи данных в том числе и интернет с обеспечением соответствующего уровня безопасности		Yagona operator tomonidan amalga oshiriladigan xizmatlar quyidagi qarorlarga asosan belgilangan: 1) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 15-iyundagi 6007-sonli Farmoni. 2) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 15-iyundagi 4751-sonli qarori. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasining 51411-sonli Xarbiy qismi (100% ulushga ega yagona muassis) qaroriga ko'ra "ONE-NET" ma'suliyati cheklangan jamiyati yagona operator sifatida tashkil qilingan.

Izox: O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunining 68-moddasiga muvofiq hamda Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 223-bandi mazmunidan kelib chiqib, ushbu masala yuzasidan yakuniy qaror vakolati organ tomonidan qabul qilmadi.